

САМАРАЛИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

ҚарДУ магистранти: Амонова Санобар

Илмий раҳбар: проф.А Жабборов

Таянч иборалар: фаол ақлий жараён, ахборот, зарарли ахборот, радио ва телевидение, ақлий тараққиёт даражаси, эмоционал - иродавий ҳолат, самарали ўзлаштириш, ақлий ўзлаштириш, дастур, дарслик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида "Жисмоний ва маънавий етук ёшлар эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир" мавзусида сўзлаган нутқларида (маърифат газетаси 2017 йил 1 июл, № 52.) ёшлар тарбиясида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф қилишнинг зарур ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари ҳақида гапириб, ёшлар ҳаёти, уй кечинмалари, орзу ниятлари, энг муҳими, уларни қийнаётган масалалар, афсуски, радио ва телевидение, газета ва журналларда ўз ифодасини тўлиқ топмаётганлиги, тўғри йўлдан адашган ёшлар, жиноятчилик, ишсизлик қаердан пайдо бўлаётганлиги ... фарзандларимизнинг онги, дунёкараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаслигимиз, юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган "ўз болангни ўзинг асра!" деган даъват фақат қуруқ шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши зарурлигини алоҳида-алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шунга кўра, болаларни тарбиялаш амалиётида халқ донишмандлигининг барча тараққийпарвар асосларидан янада кенгрок фойдаланиш керак. Шу орқали шахсни камол топтириш, унинг ижодий имкониятларини очиш, унда умуминсоний қадриятларга асосланган

дунёқарашни шакллантириш лозим. Бола тарбиясида аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган халқ тажрибаларига мурожаат этиш, ҳозирги ўқув — тарбия жараёнида ундан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирга мактаб таълимининг бош вазифаси ўқувчиларнинг фан асосларини фаол ва онгли ўзлаштиришини таъминлашдир. Ўзлаштириш ҳамиша фаол ақлий жараён натижаси бўлиб, одамнинг билишига оид оламдаги хилма — хил номаълум нарса ва ҳодисалар моҳиятини англаш билан белгиланади. Психология фани нуқтаи назаридан ноъмалум нарса ва ҳодисалар моҳиятини англаш, билиш ёки уни ижодий ўзлаштириш жараёни, асосан, учта йўналишга боғлиқ бўлади. Биринчидан ўзлаштирилаётган материалнинг мазмун моҳияти ўзлаштирувчи учун қай даражада мос ва тушунарлюшгига, аҳамиятлилигига ва у қандай усулда етказилаётганлигига боғлиқдир. Иккинчидан, таълим жараёнини бошқараётган масъул кишининг шу соҳадаги билими ва тажрибасига, малака ва маҳоратига, шахсий ва касбий фазилатларига боғлиқдир. Учинчидан, ўқувчининг ақлий тараққиёти даражасига, эмоционал — иродавий ҳолатига, ўқишга нисбатан унда қарор топган индивидуал психологик хусусиятларига, қизиқиши ва ҳаваслари билан белгиланади. Ана шу учта йўналиш тўла таъминланган таълим жараёнидагина самарали ўзлаштириш ҳосил бўлиши аллақачонлар ривожланган мамлакатлар фани тажрибасида исботланган. Шу боис мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки кунларқданоқ буюк маънавиятимизни тиклашга, миллий таълим — тарбия тизимини такомиллаштиришга, унинг миллий заминини мустаҳкамлаб замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқаришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқца.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»га қонунига биноан ҳозирги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохатларни (2017 – 2021 Ҳаракатлар стратегияси) ишлаб чиқиш, дастурлар

яратиш ва амалда жорий этилиши таълим тизимини жаҳон андозаларига хос такомиллаштиришнинг асоси бўла олади.

Жумладан, умумтаълим мактабларида дарсликларининг тузилиши, ундаги ўқув топшириқ материаллари ҳудудий ва миллий хусусиятлардан келиб чиқиб тайёрланган. Улар ўқувчининг турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан боғланган нарса ва ҳодисалар доирасидаги материаллар бўлиб, ҳар бир ёш босқичидаги ўқувчиларнинг психологикривожланиши даражасига мўлжалланган. Бу ҳолат ўқувчилар ўзлаштиришида қийинчилик туғдирмайди. Дарсликдаги ҳар бир мавзуга доир материаллар ва топшириқлар (машқлар, билиб олинг, эсда тутинг ва бошқалар)ни танлаш ва тузишда муаллифлар юқорида санаб ўтилган йўналишлар талабига шу қадар яқинлашганки, натижада ҳар бир мавзуда самарали ва онгли ўзлаштиришга эришиш мумкин.

Ҳар бир мавзуда танланган материаллар ўқувчига таниш бўлиб, характерли томони шундаки, ундаги топшириқ ва машқлар ўқувчини мустақил фикрлашга, мавзу доирасида ижод қилишга, янгилик яратишга ундайди. Ўқувчидаги ҳиссий — идоравий ҳолатни кучайтиради, ақлий жараёнлар (диққат, идрок, хотира, хаёл, тафаккур)ни фаоллаштиради. Ўқувчиларда гўёки: «Топшириқлар таниш — у, уларга жавоб топа олмасам, қандай бўларкин?». «Ўртоқларим қандай жавоб топаркин?», «Менинг жавобим қандай буларкин?», «Шундай жавоб топайки, атрофимдагилар қойил қолсин, ҳаттоки, ўқитувчим ҳам», «Ўзим ва ўртоқларимни нимага қодирлигимизни ва камчилигимизни билиб оламиз» каби муаммоли вазият ўқувчини тўла чулғаб олади ва уни ижодга, фаол фикрлашга чорлайди.

Ўқитувчи эса таълим олувчилардаги индивидуал психологик хусусиятларнинг ҳар хиллигани эътиборга олиб, берадиган изланиш ва фикрлаш йўлланмаси билан ҳар бир таълим олувчида ўзлигини мумкин қадар ёрқинроқ намоён этиш имкониятини яратади. Натижада ўқувчиларда ижодий мусобақа руҳи ҳар бир машғулотда етакчилик қилади.

Ҳар бир мавзу ёки мавзу туркумлари шундай бир мантикий изчилликда тузилган бўлиб, ўрганувчи мавзунини ўрганишни бошласа, ундан чиқа олмайди. Мавзунини ўрганишни якунламай, бошқа ишга чалғимайди (ўтмайди). Мавзу ва ундага топшириқлар ҳамда машқлар 1,2 ёки 3 саҳифани ташкил этади, ўқувчи ана шу мавзуда соатлаб, ҳатто кунлаб ишлаши, ижод қилиши мумкин.

Ҳозирги ўқув дарсликлари психология фани асослаган қонуниятларга биноан қурилган бўлиб, унда ўқувчилар учун билим эгаллаш, мустақил фикрлаш имкониятлари чексиз. Шу сабабли, бу дарсликларнинг умри ҳам, шубҳасиз, узокдир.